



## THE ROLE AND IMPORTANCE OF THE WORKING BODY IN THE FIGHT AGAINST CORRUPTION IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

E.DJABBOROV

Tashkent state University of law, Tashkent, 100047, Uzbekistan

## МЕСТО И РОЛЬ РАБОЧЕГО ОРГАНА ПО БОРЬБЕ С КОРРУПЦИЕЙ, ОРГАНИЗОВАННОГО В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

Э.ДЖАББОРОВ

Ташкентский государственный юридический университет, Ташкент, 100047, Узбекистан

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ИШЧИ ОРГАН ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Э.ДЖАББОРОВ

Тошкент давлат юридик университети, Тошкент, 100047, Ўзбекистон

**Аннотация:** мазкур мақолада коррупцияга қарши курашишда Ўзбекистон Республикасида ташкил этилган Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси ҳамда унинг ишчи органи ўрни ва аҳамияти, хорижий давлатларда ташкил этилган махсус ваколатли институтларнинг ўзига хос жиҳатлари, уларнинг ҳуқуқий асослари ва функциялари кўриб чиқилади.

**Калит сўзлар:** коррупция, жиноят, мансабдор шахс, ихтисослашган институт, тергов ҳаракатлари, превентив, олдини олиш, огоҳлантириш.

**Аннотация:** в статье рассматривается роль и значение Республиканской межведомственной комиссии по борьбе с коррупцией и рабочего органа Республики Узбекистан, особенности правовой основы и функции специализированных интитутов, созданных в зарубежных странах.

**Ключевые слова:** коррупция, преступность, должностное лицо, специализированный институт, следствие, превентив, профилактика, предупреждение.

**Annotation:** the article considers the role and significance of the Republican interdepartmental Commission against corruption and the working body of the Republic of Uzbekistan, features of legal framework and functions of specialized institutions established in foreign countries.

**Keywords:** corruption, crime, official, specialized Institute, investigation, preventive, prevention, prevention.

Бугунги кунда мураккаблашган ва жадаллашган ижтимоий муносабатларда уюшган ва иқтисодий жиноятлар тобора авж олиб бормоқда. Ҳозирда давлатларнинг муҳим вазибаларидан бири бу давлат бошқаруви тизими ва иқтисодиёт асосларига зарба бераётган коррупцияга қарши курашиш бўлиб қолмоқда.

Коррупциянинг тарихий илдизи маълум бир имтиёзларга ёки мақомга эга бўлиш мақсадида совға ва ҳадялар бериш одатларига бориб тақалади. Қимматбаҳо совға бериш бир одамни бошқа одамлардан ажратиб турган ва бу совға қилувчининг илтимоси ерда қолдирилмаслигига ёрдам берган. Шунинг учун бирламчи жамиятларда сардорлар ёки диний раҳнамоларга ҳадялар бериш одатий ҳол ҳисобланган. Бошқарувнинг мураккаблашганлиги ва давлат марказида ҳокимиятнинг кучайиши ихтисослашган мансабдор шахсларнинг вужудга келишига олиб келган. Режага асосан ушбу мансабдор шахслар давлат томонидан тақдим этиладиган маошларга ишлаши лозим бўлса, амалда улар ўз даромадларини кенгайтириш йўлида мансаб ваколатларидан фойдаланиб келишган.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.Каримов таъкидлаганидек, “...коррупция деган бало, яъни порахўрлик, таъмагирлик, хизмат вазифасини суистеъмол қилиш каби иллатлар учраб тураётганини инкор этиб бўлмайди. Қонунга зид бўлган бундай хунук ҳолатлар билан мурося қилишга чек қўйишнинг вақти келди” [1].

Давлатимиз коррупцияга қарши курашишда кенг ислохотлар олиб бормоқда. Жумладан, фуқаролар давлат учун эмас, балки давлат фуқаролар учун хизмат қилаётганлиги, миллий қонунчиликка ҳамда давлат ҳокимияти органлари тизимига катта ўзгартиришлар киритилаётганлиги, давлат хизматларини кўрсатишда ахборот коммуникация технологиялари имкониятларидан кенг фойдаланилаётганлиги ва бошқа қатор чора-тадбирлар амалга оширилаётганлиги бунга мисол бўлади.

Коррупцияга қарши ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва кенг жамоатчилик биргаликда курашса ва унинг олдини олса, самарали бўлади. Бу борада махсус ихтисослаштирилган институтлар ташкил этиш амалиёти хорижий давлатларда кенг қўлланилади.

Жумладан, БМТнинг 2003 йил 31 октябрдаги “Коррупцияга қарши Конвенция”си коррупцияга қарши курашишда 2 турдаги институтларни ташкил қилишни тавсия қилади. Булар: коррупцияни оғоҳлантирувчи органни ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ёрдамида коррупцияга қарши курашувчи орган ёки мансабдор шахсларни жорий қилиш.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи воситалар орқали коррупцияни оғоҳлантиришда ҳам ва унга қарши курашишда ҳам турли соҳаларда кенг доирадаги функцияларни жорий қилишни талаб қилади. Давлатлар томонидан ихтисослашган институтни ташкил қилишдан аввал ана шундай функцияларнинг таъсири ва самарадорлигини ўрганиб чиқиш лозим бўлади. Жумладан:

- сиёсат йўналишини ишлаб чиқиш, таҳлилий тадқиқот, мониторинг ва координация;
- давлат ҳокимиятида коррупцияни оғоҳлантириш;
- ўқув-тарбиявий ва тушунтириш функцияси;
- коррупцион ҳолатларини таъқиб қилиш ва тергов олиб бориш каби функциялар шулар жумласидандир [2].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев 2016 йил 7 декабрдаги Конституциянинг қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги ўз маърузасида: “Жамият ривожига ғов бўлаётган яна бир иллат – бу коррупция балосидир. Бундай хатарга қарши курашиш мақсадида яқинда қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, Сенатга юборилган “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунни тезроқ амалиётга жорий этиш чора-тадбирларини кўришимиз лозим” деб таъкидлаган [3].

Шунга асосан, 2017 йилнинг 2 февралда Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси ташкил этилди, унинг асосий вазифалари коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштиришдан иборат. Комиссиянинг ишчи органи функцияси Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига топширилди [4]. Эътиборлиси шундаки, Бош прокуратура фақатгина ишчи орган бўлиб қолмасдан, балки коррупцияга қарши курашувчи махсус ваколатли орган ҳам ҳисобланади.

Коррупцияга қарши курашишда, унинг олдини олиш ва профилактика қилишда ишчи орган муҳим аҳамият касб этиб, унинг ишчи орган сифатида фаолиятининг асосий йўналишлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2752-сонли қарори билан тартибга солинади.

Хусусан, Қарор билан тасдиқланган “Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси тўғрисида”ги Низомга асосан ишчи орган комиссия фаолиятини моддий-

техника жихатидан таъминлайди, унинг иш режасини ишлаб чиқади, ижросини назорат қилади, вазирлик ва идоралар билан биргаликда Комиссиянинг қабул қилинган қарорлари ижроси назоратини ва мониторингини олиб боради, Комиссия раисига тегишли ахборот ва таклифларни киритади, келиб тушаётган хат ва ҳужжатларни кўриб чиқади ҳамда Комиссия ваколатига кирадиган масалалар юзасидан қарорлар тайёрлайди, коррупцияга қарши курашиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади, қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Бошқа давлатларда ташкил этилган комиссиялардан фарқли ўлароқ, Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияда коррупцион жиноятларни тергов қилиш ваколати берилмаган, у фақатгина коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи орган ҳисобланади. Бироқ бундай ваколат ишчи органда мавжуд бўлиб, бу тоифадаги жиноятларни тергов қилиш учун махсус Уюшган жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш бошқармаси мавжуд.

Коррупцияга қарши курашишда хорижий мамлакатларда ташкил этилган махсус институтлар тажрибасини кўриб чиқадиган бўлсак, бунда махсус маъмурий ҳудуд саналган Гонконгда ташкил этилган комиссия ажралиб туради. Ушбу маъмурий ҳудуд “Transparency International” антикоррупцион ташкилотининг 2017 йилдаги коррупцияни қабул қилиш рейтингда 77 балл билан 13-ўринни эгаллади [5]. Гонконгнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича мустақил комиссияси (ICAC – Hong Kong Independent Commission Against Corruption) 1974 йилда ташкил этилган бўлиб, кўп функцияларни қамраб олган институт саналган ҳамда кўплаб Европа давлатларида андоза сифатида олинган. Унинг ваколатларига коррупцион жиноятларни тергов қилиш ва тезкор-қидирув ҳаракатларни амалга ошириш, коррупцияни вужудга келтирувчи шарт-шароитларни бартараф этиш, аҳоли ўртасида коррупциянинг оқибатлари ҳақида тушунтириш ишларини олиб бориш ва ўқув машғулотларини ўтказиш, коррупцияга қарши курашишни қўллаб қувватлашда жамоатчилик иштирокини таъминлаш кабилар киреди [6].

Комиссия ташкил этилгандан буён ўзининг фаолиятини учта йўналиш бўйича амалга оширган: коррупцияни огоҳлантириш, тергов ҳаракатларини олиб бориш ҳамда тушунтириш ишлари. Комиссия ўз фаолиятининг самарадорлигини таъминлаш мақсадида қамқоқ олиш, тинтув ва олиб қўйиш, активларни мусодара қилиш ва молиявий маълумотларни олиш каби кенг ваколатлар билан ҳам таъминланган.

Комиссия раис ва 3та департаментдан иборат: тезкор ишлар бўйича Департамент, коррупцияни огоҳлантириш бўйича Департамент, жамоатчилик билан алоқа Департаменти.

Тезкор ишлар бўйича Департамент коррупцияга оид шикоятларни қабул қилади, кўриб чиқади ва текширади (тергов қилади).

Коррупцияни огоҳлантириш Департаменти бошқа органларда коррупция тарқалишини олдини олиш жараёнларини ва амалиётини ўрганиб чиқади, таҳлил қилади ҳамда жамоат ташкилотларнинг сўровларига асосан коррупцияни огоҳлантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқади.

Жамоатчилик билан алоқа Департаменти аҳоли ўртасида коррупциянинг хавф-хатарлари ҳақида тарбиявий ва тушунтириш ишларини олиб боради. Коррупцияга қарши курашиш бўйича мустақил комиссияси алоҳида давлат органи бўлганлиги сабабли, унинг ҳузурида ишчи орган мавжуд эмас, яъни комиссияни ҳам, ишчи органни ҳам функциялари ягона бир ташкилотда жамланган.

Бундан ташқари, Словения (“Transparency International” антикоррупцион ташкилотининг 2017 йилдаги коррупцияни қабул қилиш рейтингда 61 балл билан 34-ўринни эгаллади) давлатида коррупциянинг олдини олиш бўйича комиссия (CPC – The Commission for the Prevention of Corruption of the Republic of Slovenia) 2004 йилда ташкил этилган бўлиб, ундан давлат ва хусусий секторда коррупция хавфини камайтириш ва уни профилактика қилиш мақсади кўзланган [7].

Комиссия координацион, таҳлилий ва превентив функцияларни бажаради. Комиссия жиноят ишларини тергов қилиш ва айб эълон қилиш ваколатига эга эмас. Лекин комиссияга мансабдор шахслар томонидан мол-мулк тўғрисида декларация бериш, совғалар олиш, манфаатлар тўқнашувини тартибини белгиловчи қонун талабларини бузганлик учун маъмурий жавобгарликка тортиш ҳуқуқи берилган. “Коррупцияни огоҳлантириш тўғрисида”ги Қонунга асосан комиссия 200 евродан 42 минг еврогача жарима жазосини қўллаши мумкин.

Шунингдек, комиссия коррупцияни огоҳлантириш бўйича халқаро ташкилотлар ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорлик қилувчи марказий орган ҳисобланади.

Комиссиянинг ҳуқуқий асослари 2004 йилдаги “Коррупцияни огоҳлантириш тўғрисида”ги Қонун, “Коррупцияга қарши курашиш бўйича комиссия Регламенти”, “Словения Республикасида коррупцияни огоҳлантириш тўғриси”даги Резолюция (коррупцияга қарши курашиш бўйича Миллий стратегия) ҳисобланади.

Ташкилий тузилмавий жиҳатдан комиссия мустақил конституцион орган ҳисобланади, у фақат парламентга буйсунади. Комиссия мустақил орган мақомига эга бўлганлиги сабабли у ўз функцияларини давлат органларининг исталган бўғини ҳамда суд ва парламентда амалга ошириши мумкин.

Комиссия қонун билан белгиланган мансабдор шахсларни, ҳукумат вакиллари, судьяларни, прокурорлар ва парламент депутатларини мол-мулки ҳақидаги ахборотларни йиғди ва мониторинг қилиб боради. Мансабдор шахснинг мол-мулки ҳақида декларацияни топшириш ҳақидаги қонун талабларини бажармаган тақдирда комиссиянинг таклифига кўра вақтинчалик ойлик маоши камайтирилиши ёки / ва лавозимдан озод қилиниши мумкин. Бундан ташқари, комиссия давлат хизматчиларига берилган қонунда белгиланган совғаларни тегишлича сақланишини назорат қилиб боради.

Шу тариқа, комиссия мансабдор шахс ёки унинг оила аъзосининг тижорат компаниясини бошқарувида қатнашиш ҳуқуқини берадиган улуш, акция ёки бошқа ҳуқуқларига эга бўлган, шу жумладан бевосита ёки билвосита қарашли бўлган компанияларнинг “қора рўйхати”ни юритиб боради.

Юқорида қайд этилган функцияларни бажариш учун қонун билан комиссияга текширув олиб боришида барча давлат ташкилотларига ихтиёрий маълумотларни олиш ҳақида сўровнома жўнатиш ҳамда мансабдор шахсларни тушунтириш беришлари учун чақиртириш ваколати берилган.

Комиссия таркиби 11 нафар шахсдан иборат бўлиб, улар комиссия бошлиғи ва унинг ўринбосари, 3 нафар комиссия аъзолари ва 6 нафар котибият аъзолари ташкил қилади. Котибият ходимлари молия соҳаси ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари, ҳуқуқшунослик ва ахборот технологиялар мутахассисларидан жалб қилинган. Комиссия фаолиятини молиялаштириш давлат бюджетидан амалга оширилади.

Бундан ташқари, хорижий давлатларда коррупцияга қарши курашиш бўйича ташкил этилган комиссиялардан бири бу Австралиянинг Жанубий Уэлс штатини (Австралия “Transparency International” антикоррупцион ташкилотининг 2017 йилдаги коррупцияни қабул қилиш рейтингда 77 балл билан 13-ўринни эгаллади) коррупцияга қарши курашиш бўйича мустақил комиссия (ICAC – The Independent Commission Against Corruption New South Wales) бўлиб, у 1989 йилда ташкил этилган [8]. Комиссиянинг асосий функциялари 1988 йилдаги “Коррупцияга қарши курашиш бўйича мустақил комиссия тўғрисида”ги Қонунда белгиланган [9].

Ушбу комиссияни ташкил этишдан мақсад, 1980 йилларда Янги Жанубий Уэлс штати ҳукумати, суд ҳокимияти ва бошқа органларида коррупциянинг ошиб кетиши ва фуқароларнинг давлат ташкилотларига ишонмай қолганлиги бўлган.

Комиссиянинг асосий функциялари давлат тизимидаги коррупцион ҳолатларни фож этиш ва тергов қилиш, маслаҳат ва ёрдам бериш орқали коррупцияни олдини олиш, штат аҳолиси орасида коррупция ва унинг оқибатлари ҳақида тушунтириш ишларини олиб бориш кабилардан иборат.

Комиссиянинг юрисдикцияси штатдаги барча давлат ташкилотлари, давлат корпорациялари, маҳаллий кенгашлар, парламент аъзолари, вазирлар, суд органлари ва губернаторларга бундан ташқари, расмий оммавий вазифаларни бажарувчи шахсларга ҳам татбиқ этилади. Унинг юрисдикцияси полицияга татбиқ қилинмайди, бироқ полиция томонидан коррупцион ҳолат бўйича ўтказилаётган тергов ҳаракатларига ёрдам бериш юзасидан таклиф қилиши мумкин.

Комиссия 4та асосий бўлимлардан иборат. Булар тергов, коррупцияни олдини олиш, корпоратив хизматлар, ҳуқуқий бўлимлар. Комиссияда 110га яқин ходимлар фаолият юритиб келиб, улар тергов, ҳуқуқ, молия, давлат бошқаруви, таълим, ахборот технологиялар ва компьютер криминалистика соҳалари мутахассисларидан иборат.

Комиссия ўз фаолияти давомида парламент ва комиссия инспекторига ҳисобдор саналади. Парламентнинг иккита палатасидан ташкил топган кўмита комиссиянинг ўз функциялари ва мажбуриятларини лозим даражада бажараётганлигини назорат қилиб боради.

Комиссия инспектори мустақил мансабдор шахс бўлиб, комиссиядан бошқа жойда жойлашган ҳамда унинг фаолиятини назорат қилиб боради, унинг фаолияти самарадорлигига баҳо беради. Шу каби комиссия ходимлари бўйича тушган аризаларни кўриб чиқади.

Юқоридаги қайд этиб ўтилган коррупцияга қарши курашиш бўйича ташкил этилган махсус ихтисослаштирилган институтларнинг функциялари турли хил бўлсада, лекин уларни ташкил этишдан давлатнинг мақсади битта бўлган, яъни коррупция хавфи даражасини камайтириш ва давлат хизмати фаолиятининг шаффофлигини таъминлашдир.

Қайд этилган давлатларнинг коррупцияга қарши курашишдаги олиб борган сиёсати халқаро ташкилотлар томонидан ижобий баҳо бериб келинган.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Бизнинг вазифамиз – тўпланган тажриба ва илғор халқаро амалиётга суянган ҳолда ўзимизнинг тараққиёт ва янгиланиш моделимизни қатъий амалга оширишдан иборат” [10].

Хулоса қилиб айтганда, коррупцияга қарши курашиш соҳасида фаолиятни янада яхшилаш учун халқаро амалиётнинг ижобий жиҳатларини ўрганган ҳолда қуйидагиларга алоҳида эътибор бериш лозим:

– Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идораларо комиссияси ва ишчи органнинг коррупцияга қарши курашишдаги ваколатлари, функциялари ва вазифаларини қайта кўриб чиқиш. Бунда хорижий давлатларнинг ижобий тажрибасида самарали фойдаланиш керак;

– комиссия ва ишчи органнинг фаолияти юзасидан ҳисобдорлигини таъминлаш ва уларни назорат қилиб бориш бўйича ҳуқуқий механизмни шакллантириш муҳим аҳамият касб этади;

– норматив ҳуқуқий ҳужжатларда ишчи органнинг комиссия фаолиятини моддий техник жиҳатдан таъминлаши учун пул маблағларини шакллантириш манбалари бўйича аниқ нормалар киритиш ҳамда унинг моддий-техник имкониятларини кенгайтириш лозим;

– ишчи орган томонидан комиссия йиғилишларини ташкил этиш, уларни ўтказиш, давлат дастурлари ижросини мониторинг қилиб бориш ҳамда бошқа вазифаларни бажаришдаги фаолиятининг аниқ процессуал тартибларини ишлаб чиқиш керак;

– коррупцияга қарши курашиш долзарблиги ва аҳамиятлигини инобатга олиб, ишчи органга унга юкланган вазифаларни тўлиқ ва самарали амалга ошириши учун кўшимча штат бериш ҳамда унинг ходимлар билан таъминлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

## References:

1. Karimov I.A. Demokratik islohotlarni yanada chuqurlashtirish va fuqarolik jamiyatini shakllantirish - mamlakatimiz taraqqiyotining asosiy mezonidir. T.19. - T., 2011. - B.68.
2. Spetsializirovanniye instituti po borbe s korrupsiyey: obzor modeley Organizatsiya ekonomicheskogo sotrudnichestva i razvitiya. Set po borbe s korrupsiyey dlya stran Vostochnoy Yevropi i Sentralnoy Azii. <<http://www.oecd.org/corruption/acn/39972100.pdf>>. 2018 yil 25 fevral.
3. Mirziyoyev Sh.M. Qonun ustuvorligi va inson manfaatlarini ta'minlash - yurt taraqqiyoti va xalq farovonligining garovi // O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi qabul qilinganligining 24 yilligiga bag'ishlangan tantanali marosimdagi ma'ruzasi. - 2016. - 7 dekabr.
4. O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami. - 2017. - №5. - 62-modda; - №27. - 608-modda; - №37. - 982-modda.
5. <https://www.transparency.org>.
6. <http://www.icac.org.hk/en/home/index.html>.
7. <https://www.kpk-rs.si/sl>.
8. <http://www.icac.nsw.gov.au>.
9. Nauchno-issledovatel'skiy institut akademii gosudarstvennogo upravleniya pri Prezidente Respublika Kazaxstan // Byulleten. - №18. - 2014.
10. Mirziyoyev Sh.M. Erkin va farovon, demokratik O'zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz // O'zbekiston Respublikasi Prezidenti lavozimiga kirishish tantanali marosimiga bag'ishlangan Oliy Majlis palatalarining qo'shma majlisidagi nutqi. - T.: O'zbekiston, 2016. - 56 b.